

Адабиёт тафтишига бошлагонда ёзма адабиёт ва эл (огзаки) адабиёти каби бир тасниф юритишга тўғри келадир. Лекин ёзма ва эл адабиёти орасини айирмоқ ва буларни жомеъ ва монeъ таъриф килмоқ кийиндир, хатто мумкин эмасдир.

Ёзма адабиётнинг бир хусусияти ёзмалиги, иккинчи, асар эгасининг маълум бўлишидир. Эл адабиётининг хусусиятида шу сифатларнинг бўлмаслиги ва огиздан огизга кўчиб юришидир.

Энди тахлил килайлик:

Биринчи: бир вақтлар ёзма ўларок тасбит этилган бир адабий асар йўқолди дейлик ва сўнгра унинг парчалари огиздан огизга кўчуб юрди ва асар эгасининг оти хам унутилди дейлик.

Иккинчи: огиздан огизга кўчуб асрларча юргон достон, мақоллар ёзилиб, бир мажмуа холига кетирилди дейлик (кандайки бугун хар ерда килинадир).

Бу икковини кандай килиб ажратиш керак ва кайсисини кайсисига киргизиш керак?

Воқеан, эл адабиётининг энг мумтоз хусусияти асар эгасининг эл экани даъво килинадир. Холбуки, биз текшириб карасак, бу даъво асоссиз бўлуб чиқадир.

Хеч бир достон, мақол, топишмоқ, ашула йўқки, йигирма киши ўйлашиб тўқугон бўлсун ёки басталаган бўлсун. Хар бир достон, мақол, топишмоқ, ашула асосан бир киши томонидан чиқариладир. Ва сўнгра умумийлашиб кетадир.

Туркистоннинг сўнг шоирларидан Муқимий, Фуркат, Хазиний парчаларидан шундайлари борки, агар аллақайси қаронгу тоқчалардан, чуруб, қорариб кетган баёзлардан кўруб эгаларини билган бўлмасак, уларни эл адабиётидан хеч вақт ажрата олмас эдик.

Бу тасниф шу даражада бўш бўлса хам, ишимизни енгиллатиб, бизга ёрдам бератургон бўлгон учун қабул киламиз ва адабиётни икига айирамиз: ёзма адабиёт ва эл адабиёти.

Ёзма адабиёт

Туркларнинг ёзув билан танишликлари кўб эскидир. Туркларнинг милоддан бурун қургон буюқ императўрликларида юратургон буйруқ, ёрликлар табиий ўларок туркча ёзув билан бўлар эди.

Бу ёзулар тўғрисида холо хам илм оламида сарих маълумот йўқдир.

Хитой воқеъномаларида тарихга маълум эски турк жамияти бўлгон «хул»ларнинг ёзувлари борлиги зикр этилса хам, унинг кандай ёзув экани номаълумдир. Радлўф бу ёзувнинг Ўрхун ёзуви бўлушини ўйлайдир. Хитой воқеъномалари 545 инчи йил воқеаларини ёзгонда хам туркларнинг ёзувлари борлиги ва уни сунги учи билан ёзгонларини айтадилар (Татар адабиёти тарихи, с.27).

Тури Южан уйгурларнинг милоддан икки аср илгари хат билишларини ва бешинчи аср милодийда порлоқ бир адабиётга молик бўлгонликларини сўйлайдир (Миллий татабулар мажмуаси, ж. 2, сон 4).

Турклар ўз хаёти тарихияларида турли-турли ёзувлар ишлатиб ўтганлар. Хитой таъсири остида бўлгон вақтларида тарихий тошлардан билинадирки, Хитой ёзувини хам ишлатганлар. Гул Такин тошининг бир ёғи хитойча ва бир ёғи ўрхунча ёзилгондир.

Бу ўрхун ёзувидан бошқа бир вақтлар моний алифбоси ишлатганлари маълум.

V асри милодийда Бизанш императўрлиги теварақидан хайдалгон настури рохиблари Сурия алифбосини олиб келганлар ва сўнгра бу ёзув уйгур ёзувига асос ўларок

ишлатилган.

Будда динининг таъсири кучайган чокларда Тибат алифбосини хам ишлатганлар. Бу 5-6 турли ёзувдан энг илгари кайсиси ишлатилганини ажратиш кийин.

Хозир энг эскиси ўрхун ёзувлари дейиладир. Бу туркларнинг ўзларига махсус ёзувдир. Турклар хархолда бирдан-бир ёзув ихтиро килатургон ва ишлататургон бир холда бўлмагон бўлсалар керак ва ўрхун ёзувида турли алифболарнинг таъсири борлиги хам буни кўрсатадир.

Юкорида айтканимиз каби ўрхун ёзуви билан баробар хитой ёзувида назарда тутилса ва хитойларнинг эски маданиятли халк эканликлари ва бунинг устига Хитой таъсирининг жуда ортик экани ўйланса, туркларнинг хархолда ўз махсус ёзувлари бўлмагон вақтларда хитой алифбосини ишлатканларини ўйлашга йўл берилган бўлур. Хархолда - кандай бўлса хам — туркларнинг кўб эски замондан бери ёзув билган бўлишлари аниқдир.

Ўрхун битиктошларининг тил ва услуби оддий сўзга ўхшамасдан, хатто баъзи ерларида мукаффо иборалар ва мавзун фард ва китъалари борлиги унинг ишланган адабий тил билан ёзилгонини кўрсатадир.

Туркларнинг шомон динида бўлгон вақтларида хам ёзилгон дуономалари бўлгонидек, моний динида бўлгон чокларида «Хуос туонифат» унвонли ибодатхоналарда ўкулатургон тавба дуолари бўлгон.

Бу дуо ёзилгон бир нусха тарихи маълум бўлгон «Тунг» даври Чин китобларининг коғозларига ўхшагонидан шу даврда ёзилгон дейиладир. Бу нарса моний алифбоси ила ёзилгондир. Бунинг уйгур харфи ила ёзилгонини Радлўф топиб бостиргондир (Петербург Академи мажмуаси, 1909 - Августус, Турк юрди, йил 1, сон 3).

Тури Южан ўз мақоласида (Татабулар мажмуаси, жилд 2, сон 4) «7-нчидан 14-нчи асргача чўзулган бир замонни турк тили асарларининг энг эски даври атаб, энг биринчи турк асари ўларок «Кудотку билиг»ни (462 хижрий), иккинчи ўларок «Юсуф-Зулайхо»ни (630 хижрий), учинчи ўларок Рабгузийнинг «Кисас ул-анбиё»сини (710 хижрий) санайдир.

Бу даврга бўлушда битиктошларининг ва моний дуо ёзмасининг кирмаганини бир китоб шаклида бўлмогонидан ва «Девони хикмат»нинг эса эски ёзма нусхасининг йўклиги эхтимолидан ўйламок мумкиндир.

Локин бу даврнинг асарларига кўшмок мумкин бўлгон - «Китоби Кўркут» (5-6 асри хижрий). «Хибат-ул-хакойик» (6—7 асри хижрий) ва «Девони луготи турк» каби асарларнида санасак эски турк ёзма адабиёти жадвалини кўрсатган бўлурмиз.

Булардан бошка (754 да) Хоразмий отли бир шоир томонидан чигатойча ўларок Сарой шаҳрида ёзилгон «Мухаббатнома» (милодий 14-нчи асрда Кутб тахаллусли бир шоирнинг «Хусрав — Ширин» манзумаси ва 777-нчи хижрийда Хисом Котибнинг бош хикояси) ва 800-да ёзилгон - уйгурча асли у ёнда бўлгон - «Тузукоти Темур», 846-да ёзилгон «Меърожнома» ва 863да ёзилгон «Бахтиёрнома» турк эски адабиёти асарларига киратургон ва сикалардандир.

Мана бу кўрсатилган асарлар турк адабиётининг то милод бошидан бери ёзма асарларга эга бўлгонини ва табиий ўларок бундай асарларнинг ёлгиз бизга маълум бўлгонлари билан колмагонини ўйлашга ҳақ берадир.

Бу асарлар, умуман, турк тили билан ёзилгондирлар. Локин асарларига ва даврларига қараб турли-турли аталгонлар.

Турк тили бир вақтлар мўгул тили деб хам юритилган (Хисом Котибнинг Султон одли

машхур кесикбош хикоясининг мўгулчадан, яъни чигатойчадан туркчая, яъни усмонличая чевирмаси), сўнгра уйгур тили, хокония туркчаси ёки кашгар тили, ўгуз лахжаси, чигатой тили, усмонлича, озорича каби чўк отлар такилгон. Асосан, чигатойча уйгурчанинг муайян адабий холга кирган бир бошка шаклидир.

Факат уйгур харфи билан ёзилгони учун кўб чигатой тили хавзасига киратургон асарларни ажратишлар бўлгон. Ўрхун харфи билан ёзилгон асарларнинг тили уйгурчадан фарқсиз бўлса ҳам, айри фараз килингон. Холбуки, Ўрхунда уйгур ёзувининг кайсиси илгари бошлангонлигини айришни кийин холга кўятургон эски асарлар кўлга киргандир ва бу икки ёзувнинг кўб вақтлар бирга юрутулгони маълумдир. Асли «Настурий рохиблари» томонидан келтурулгон уйгур харфининг 8-нчи асрдан илгари мавжуд бўлиши мумкин бўлгони муҳокамасига таянибгина «Ўрхун ёзуви» эски дейиладир. Бунинг устига уйгур алифбоси тузулушига ҳам сомиий, ҳам орий, ҳам хитой харфларининг таъсири борлиги кўз олдига келтирилса, бу шубханинг яна ортиш эҳтимоли бордир.

Нима бўлса бўлсун, кандай харф билан ёзилгон бўлмасун юкоридаги асарлар турк ёзма адабиёти такомули тарихи тўғрисида муайян бир фикр бера олатургон даражада кийматдордирлар.

Эл адабиёти

Кўчма халкларда эл адабиёти бой бўладир.

Туркларнинг (типичный) хаётлари кўчмалик бўлгонидан бой бир эл адабиётига моликдирлар.

Бу адабиётнинг бойлиги тўғрисида бизга энг кўб маълумот бератургон китоб «Девони луготи турк»дир. Бунда эски турк дostonларидан энг гўзал парчалар бордир. Хатто шундай чиройлик жойлари борки, ёзма адабиётни уелтиришгача борадир.

Эл адабиётининг эскидан ёзилгонлари орасида 211 нчи хижрийда форсчадан арабчага таржима этилгон «Ўгузнома» аталгон миллий дoston борким, асосан туркчадан ўзгартирилгандир. Бу дostonнинг мухим бир кисми бўлгон «Дада Кўркут» ёки «Китоби Куркут» каби Сайид Баттол Гози дostonида эл адабиётидандир. Бу «Ўгузнома»нинг исломиятдан бурун тасбит этилганликига хукм этиш мумкиндир. Чунки 211 хижрийда форсчадан арабчага таржима килингон бу дostonнинг форсчага таржима килингони билан арабчаланиши орасида хархолда анчагина вақт ўтуш эҳтимоли бўлгони каби форсча таржимаси ҳам учунда аввалан туркча ўларок ёзилгон (тасбит этилган) бўлиши лозимдир (Эллик мутасаввуфлар ...).

Булардан бошка эл адабиётига оид яна бир канча ёзилгон ва ёзилмагон асарлар майдондадир.

«Навоийгача турк адабиёти» маколasi «Маориф ва ўқитгувчи» журналининг 1926 йил 1-сонидa